



## ACTIVITIES OF THE CRIME PREVENTION SERVICES OF THE PUBLIC SECURITY DEPARTMENT OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS IN MAINTAINING PUBLIC ORDER AND ENSURING PUBLIC SAFETY

**Amanov Abrorjon Abdullayevich**

Professor at the Institute for Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14258665>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> November 2024  
Accepted: 29<sup>th</sup> November 2024  
Online: 30<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Ministry of Internal Affairs, Public Security Department, Crime Prevention Services, maintaining public order, ensuring public safety, activities.

### ABSTRACT

*The article discusses the activities of the Crime Prevention Services of the Public Security Department of the Ministry of Internal Affairs in maintaining public order and ensuring public safety, as well as provides suggestions and recommendations for more effective organization of these activities.*

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДЕПАРТАМЕНТИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИ

**Аманов Абдоржон Абдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14258665>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> November 2024  
Accepted: 29<sup>th</sup> November 2024  
Online: 30<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Ички ишлар вазирлиги, Жамоат хавфсизлиги департаменти, Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фаолият.

### ABSTRACT

*Мақолада Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.*

Жамият ижтимоий ҳаётида ҳар бир ташкил этиладиган субъект – у корхона, муассаса, ташкилот ёки уларнинг таркибий тузилиши бўладими, у давлатга тегишли ёки нодавлат бўлишидан қатъий назар уни ташкил этишдан кўзланган мақсад мавжуд бўлади ва ушбу мақсадни амалга ошириш учун эса, ташкил



этилган тузилманинг вазифа ва функциялари белгиланади. Худди шунингдек, биз сўз юритмоқчи бўлган Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг ҳам давлат ташкилотининг таркибий тузилиши сифатида уни ташкил этилишидан кўзланган мақсад ва ушбу мақсадга эришиш учун эса, уларнинг зиммасида тегишли вазифа ва функциялар мавжуддир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ҳар қандай субъектларнинг тегишли ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини тўғри белгилаб олиш улар фаолиятини самарали ташкил этишга, тўғри ва тизимли бошқаришга хизмат қилади, жумладан, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳам.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани<sup>1</sup>, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишни жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда десак, муболаға бўлмайди. Мазкур фаолиятни амалга оширишда эса, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолияти хусусида бир қанча мутахассислар ўзлари тадқиқот олиб борган соҳаларига тааллуқли таркибий тузилмаларнинг фаолиятини муаллифлик нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда йўналишларга бўлиб тадқиқ қилганларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, И. Исмаилов ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг таркибий тузилиши бўлган таянч пунктларининг фаолиятини, ўзаро боғлиқ вазифаларидан келиб чиқиб, шартли равишда тўққизта йўналишга ажратади<sup>2</sup>. М.З. Зиёдуллаев эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари таянч пунктларининг фаолиятини қуйидаги олтига йўналишга ажратади:

- 1) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;
- 2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти;
- 3) маъмурий-процессуал фаолият;
- 4) тезкор кидирув фаолияти;
- 5) жиноят-процессуал фаолият;
- 6) жиний жазолар ижросини таъминлаш фаолияти<sup>3</sup>.

Ж.С. Мухторов эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини еттита йўналишга ажратади:

- 1) носоғлом оилалар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги;
- 2) вояга етмаганлар ўртасидаги;

<sup>1</sup> Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.

<sup>2</sup> Исмаилов И., Бухаров Д. Уюшган жиний тузилмалар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш (муаммо ва ечимлар): Ўқув кўлланма. - Т., 2007. – Б. 36.

<sup>3</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т., 2018. – Б. 36.



- 3) илгари судланганлар ўртасидаги;
- 4) диний-экстремизм билан боғлиқ;
- 5) одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;
- 6) аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, онги ва маданиятини юксалтириш;
- 7) ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш<sup>4</sup>.

Юқорида фикрлари қайд этилган муаллифлар ўзлари тадқиқот олиб борган соҳа фаолиятини муаллифлик нуқтаи-назаридан йўналишларга ажрат-ганликларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, агар тадқиқ этилаётган ташкилот ёки соҳавий хизмат давлат органи ёхуд давлат органининг таркибий қисми бўлса, унда ушбу соҳавий хизмат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида улар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида фаолиятининг асосий йўналиш-ларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг фаолиятини улар зиммасидаги асосий вазифалар кўлами ва мазкур вазифалар белгилаб берилган ҳамда уларни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида *ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар* ва *ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг* амалга ошириладиган қуйидаги йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

*Ҳуқуқбузарликлар содир этилгунга қадар:*

1. *Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;*
2. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти;*

*Ҳуқуқбузарликлар содир этилганидан сўнг:*

1. *Жазоларнинг ижросини таъминлаш фаолияти.*

Жумладан, биз ушбу мақоламизда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари-нинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига кенгроқ тўхталишни мақсад қилганмиз. Хусусан, *жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти* – Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг зиммасига биринчи галдаги мажбурият сифатида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини ёритишда аввало, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг мазмунига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бугунги кунга қадар замонавий илм-фанда маҳаллий ва

<sup>4</sup> Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: Юрид. фан. номзоди. ... дис. - Т., 2009. – Б. 27.



хорижий мутахассис-олимлар томонидан ушбу тушунчаларга бир нечта таърифлар берилган. Масалан, Н.Н. Жильский, «жамоат тартиби – фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маъмурий-маданий соҳада фаолият юритиш учун қулай шарт-шароит-ларни яратишга қаратилган ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг шакли ва миқёсида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тизими»<sup>5</sup> деб, таърифлайди.

П.Ф. Гришаев эса, «жамоат тартиби - жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларда мустақамланган қоидаларга риоя этиши лозимлигини кўзда тутувчи, улар ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи тартибдир»<sup>6</sup> деган фикрни илгари суради. Мазкур таърифларда ушбу тушунчанинг бир қатор қирралари очиб берилган, лекин ўз номида акс этганидек, ушбу соҳадаги муносабатлар айнан «жамоат жойлари»даги ижтимоий муносабатларга оид эканлиги, бошқача айтганда, мазкур муносабатлар жамоат жойларида юзага келиши каби ўзига хос хусусиятларига эътибор берилмаган.

А.Р. Гегамов, «жамоат тартиби - ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар асосида жамоат жойларида инсонларнинг умумий осойишталигини таъминловчи, уларнинг ўзаро муносабатлари тартибини белгиловчи жамият манфаатлари ҳуқуқий ҳимояланганлигининг зарур ва етарли даражаси»<sup>7</sup>, деб эътироф этади. Ушбу мутахассиснинг таърифида «жамоат тартиби» тушунчаси бевосита жамоат жойлари билан боғлаб қайд этилганлиги билан аҳамиятлидир. Лекин, шу билан бирга ушбу таърифда «жамоат тартиби» тушунчасининг барча жиҳатлари қамраб олинмаган. Масалан, жамият ижтимоий ҳаётининг барча субъектлари хусусида тўхталинмай фақатгина «инсонларнинг» деб қайд этилган.

О. Хусанов, «жамоат тартиби – юридик ва бошқа ижтимоий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳам қамраб олишини, ҳуқуқ-тартибот эса фақат амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида ташкил топган ижтимоий муносабатлар тизими»<sup>8</sup>, деб таърифлайди.

М.З. Зиёдуллаев, «жамоат тартиби – бу жамоат хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратишга, шаъни, кадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланидиган ижтимоий муносабатлар тизими»<sup>9</sup> деган фикрни илгари суради.

<sup>5</sup> Жильский Н.Н. Органы внутренних дел в государственном механизме обеспечения общественного порядка и безопасности граждан: Организационно-правовой анализ: автореф. дис. д. юрид. наук. - Санкт Петербург, 2000. - С. 17.

<sup>6</sup> Гришаев П. Ф. Преступления против общественной безопасности и. - М., 1959. - С. 4.

<sup>7</sup> Гегамов А.Р. Насильственные преступления против общественной безопасности и общественного порядка и уголовно-правовой механизм назначения справедливого наказания: автореф. дис. канд. юрид. наук. - Саратов, 2011. - С. 15.

<sup>8</sup> Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият: (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 82.

<sup>9</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т., 2018. –Б. 38.



О. Хусановга нисбатан М.З. Зиёдуллаев «жамоат тартиби» тушунча-сига кенг ва батафсил таъриф берган, лекин унинг «жамоат тартиби» «жамоат хавфсизлиги»ни ҳам қамраб олишини эътироф этганига қўшил-маймиз. Масалан, А.А. Куделич ҳам «жамоат тартиби» тушунчаси «жамоат хавфсизлиги» тушунчасидан фарқ қилмаслигини ва улар синоним<sup>10</sup> эканлигини қайд этади. Бизнингча, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари бир-бирига яқин, лекин улар мазмунига кўра фарқ қилади.

Ф.Е. Колонтоевский «улар мақсади, муҳофаза объектлари, бартараф қилинувчи тажовузлар манбаи, тартибга солувчи вазифалари, муносабат-ларининг таркиби ва таъминлаш усулларига кўра фарқланади»<sup>11</sup>, деган фикри назаримизда ҳақиқатдан анча йироқ ва биз ушбу фикрга қўшила олмаймиз. Сабаби, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.

Шунингдек, «жамоат хавфсизлиги»ни И.В. Демин «жамиятнинг турли ҳаётий манфаатлари ҳимоя қилинадиган, шахс ва жамиятнинг жадал ривожла-ниши учун имкониятлар яратилувчи, келиб чиқиши мумкин бўлган ва реал ички ҳамда ташқи таҳдидларнинг минимал даражага камайтирил-ганлиги тавсифланган ҳолат»<sup>12</sup> деб қайд этади.

Б.Т. Хамхоев эса, «жамиятнинг яхлит ижтимоий тизим сифатида ривожланиши жараёнида мустақамлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ва амалга ошириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар таъминланган ҳолат»<sup>13</sup>, деб таъриф-лайди.

Бизнинг фикримизча ушбу таърифлар «жамоат хавфсизлиги»нинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. А.В. Жаглиннинг «жамоат хавфсизлиги - шахс, жамият ва давлатни жамоат тартибига ноқонуний тажовузлардан келиб чиқувчи таҳдидлардан, шунингдек, ижтимоий, табиий ва техноген хусусиятга эга фалокатлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими»<sup>14</sup> деган таърифи эса, назаримизда, тўлиқ ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчасига мазмунан мос келади.

Шу билан бирга М.З. Зиёдуллаевнинг «жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқбузарликлар, бошқа ғайриижтимоий хулк-атвор таъсири, табиий, техноген ва ижтимоий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади»<sup>15</sup> деган таърифида ижти-мой муносабатлар субъектларининг барчаси эътироф этилган ва уларнинг жамиятдаги турли воқеа-

<sup>10</sup> Куделич А.В. Уголовно-правовая охрана общественного порядка в современной России: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. - М.: Сибирь, 2000. - С. 15.

<sup>11</sup> Организация работы участковых инспекторов милиции / Под. ред. Ф.Е. Колонтоевского. - М.: Академия МВД СССР, 1992. - С. 5.

<sup>12</sup> Демин И.В. Общественная безопасность: теоретико-методологические аспекты // Юридический мир. – 2007. – № 6. – С. 39.

<sup>13</sup> Хамхоев Б. Т. Генезис формирования понимания сущности общественной безопасности // Вестник Московского университета МВД России. - 2010. - № 8. - С. 178.

<sup>14</sup> Жаглин А.В. Общественная безопасность как социальное явление и элемент системы национальной безопасности // Вестник Воронежского института МВД России. - 2007. - № 1. - С. 33.

<sup>15</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т., 2018. – Б. 38.



ҳодисалардан ҳимояланганлик ҳолати хусусида батафсил ёритишга ҳаракат қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>16</sup>ги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси»да «жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди» деб, шунингдек, «жамоат хавфсизлигини таъминлаш – давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим» деб кўрсатилган.

Ушбу юқоридаги қайд этилган илмий ғоя ва қарашлар, қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти натижалари таҳлили ҳамда мамлақати-мизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар асосида: *«Жамоат тартиби – жамоат жойлари дея эътироф этилган ҳудудларда юзага келадиган жамиятдаги ижтимоий муносабатлар субъектлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими»* деб таърифлаш мумкин.

*«Жамоат хавфсизлиги – бу жамоат жойлари дея эътироф этилган ҳудудларда юзага келадиган жамиятдаги ижтимоий муносабатларда мазкур муносабатлар субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланганлиги ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади».*

Таъкидлаш лозимки, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдиради. М.З. Зиёдуллаев, «жамоат тартиби» тушунчаси «жамоат хавфсизлиги»га қараганда кенгрок кўринсада, амалда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти, кўлами ва серқирралиги жиҳатидан, жамоат тартибини сақлаш фаолиятига нисбатан кенгрокдир»<sup>17</sup> деган фикрни илгари суради.

Бизнингча, «жамоат тартиби» тушунчаси «жамоат хавфсизлиги» тушунчасини ҳам қамраб олади, чунки, «жамоат тартиби» мавжуд бўлсагина, яъни, ушбу «жамоат тартиби» субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва ахлоқ нормаларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини муҳофаза қилиш учун «жамоат хавфсизлиги»га эҳтиёж вужудга келади.

Бугунги кун ижтимоий ҳаётидаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси-да»ги қонунининг 3-

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>17</sup> Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т., 2018. – Б. 39.



моддасига «*жамоат тартиби*» ва «*жамоат хавфсиз-лиги*» тушунчаларини киритиш мақсадга мувофиқдир назаримизда.

Шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир муҳим хусусияти, улар ички ишлар органлари тизимидаги бошқарувнинг таркибий қисми бўлиб, бу жараёнда ички ишлар органлари давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмалари ҳамда фуқаролар билан ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга киришади<sup>18</sup>.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматлари ўзларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятларини ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда икки хил – *одатий* ва *махсус тартиб*да олиб борадилар:

- ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг қўйи бўғини бўлмиш таянч пунктлари ҳудудларида яъни, фуқаролар йиғини ҳудудларида, бозорларда, хиёбонларда ва бошқа жамоат жойларида *одатий тартиб*да.

- жамият ижтимоий ҳаётидаги маданий-кўнгилад очар ва бошқа тадбирлар жараёнларида ҳамда фавқулодда ҳолатларда *махсус тартиб*да. Хусусан, ушбу жараёнларда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг қўйи бўғини бўлмиш таянч пунктлари муҳим ўрин тутлади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматлари ўзларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятларининг *махсус тартиб*ини ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ошган ҳамда ошиш эҳтимоли юқори ҳудудларда мунтазам равишда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлмиш жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятлари кенг кўламлиги ва ўзига хос серқирралиги билан ажралиб туради. Хусусан, улар фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ҳам жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсиз-лигини таъминлаш бўлиб, мазкур мақсадни амалга ошириш учун белгилан-ган вазифа ҳамда функцияларнинг моҳиятини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади. Бу йўналишда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматларининг асосий вазифалари ҳам жамоат тартиби бузилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигининг самарали таъминлашдир. Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси орқали эса, жамоат тартиби сақланиб, жамоат хавфсизлиги таъминлашга эришилади.

<sup>18</sup> Организация охраны общественного порядка / Под ред. Л.Л. Попова. –М., 1984. – С.9.